

АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА МЕВА САБЗАВОТЛАРНИ ТАШИШ УЧУН ЮК ТЕРМИНАЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8078904>

Саматов Гаффор Аллакулович

*Тошкент Давлат транспорт университети, кафедра мудури, и.ф.д.,
профессор,*

Ғиясидинов Абдуманноб Шарохинович


Андижон машинасозлик институти, катта ўқитувчи

Логистика объектларини жойлаштириш жойини танлашнинг энг қулай усуллари тортишиш маркази усули ва турли моделларда амалга оширилган чизикли дастурлаш усуллари дидир. Улар чекланган миқдордаги омиларни ҳисобга олади. Таъминот занжири иштирокчиларининг кўплиги ва улар ўртасидаги турли хил алоқалар билан муаммони ҳал қилиш учун бундай усуллардан фойдаланиш муаммонинг ўлчамининг ошиши туфайли самарасиз бўлади. Масалан, агар транспорт-логистика марказининг жойлашувини оптималлаштириш моделининг объектив функцияси сифатида фақат транспорт харажатларини минималлаштириш танланган бўлса, унда бундай моделдан фойдаланган ҳолда транспорт ҳажмининг ўзгаришини башорат қилиш орқали бозор омиларининг таъсирини ҳисобга олиш мумкин. Моделларда бозор муҳити омиларини бундай билвосита ҳисобга олиш ҳисоб-китобларнинг аниқлигини сезиларли даражада камайтиради [1].

Янги логистика объектларини лойиҳалашда бир қатор омиларни бевосита ҳисобга олиш керак, уларни объектив баҳолаш нафақат инвесторларнинг харажатларини минималлаштириш учун шароит яратади, балки бундай логистика объектларига эга бўлган компанияларнинг рақобатбардошлигини оширади. Минтақанинг иқтисодий ривожланиш даражасига сезиларли таъсир кўрсатадиган бозор муҳити омиларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар асосида унинг логистика қувватларининг жойлашуви нуқтаи назаридан унинг жозибадорлигини баҳолаш методологияси таклиф этилади [2].

Асосий омиларни ажратиб кўрсатиш учун сақлаш ва транспорт хизматларига бўлган талабни аниқлашнинг турли ёндашувлари ўрганилди. Логистика объектларини қуриш катта инвестицияларни талаб қилганлиги

сабабли, талаб омиллари минтақанинг инвестицион жозибадорлиги параметрлари билан боғлиқ (1-расм).



1-расм. Транспорт инфратузилмаси объектларини жойлаштириш учун минтақанинг иқтисодий жозибадорлигига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш бўйича мавжуд ёндашувларни тизимлаштириш.

Кўрсатилган ёндашувларни ўрганиш ва ўтказилган статистик таҳлил логистика қувватларини жойлаштириш қарорига таъсир қилувчи

омилларнинг энг муҳим гуруҳларини аниқлашга имкон берди: ижтимоий-иқтисодий, инфратузилмавий ва географик омилар ва минтақанинг транспорт ишларига таъсир этувчи омилар (1-жадвал) [3].

1-жадвал

Транспорт-логистика марказининг ташқи омилар тизими

№	Омил номи	Ўлчов қиймат
Ижтимоий-иқтисодий омилар гуруҳи		
1.	Аҳоли сони	Аҳолининг йиллик ўртача сони
2.	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад	Пул даромадларининг йиллик ҳажмининг ўртача сони ва ўртача йиллик аҳоли сонига келадиган қисми
3.	Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ҳудудий маҳсулот
4.	Саноат ишлаб чиқариш ҳажми	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат ишлаб чиқариши
5.	Чакана савдо айланмаси	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана савдо айланмаси
6.	Маҳсулотларни яқин ва узоқ қўшниликка экспорт қилиш	Вилоят аҳоли жон бошига тўғри келадиган экспорт
7.	Яқин ва узоқ хориж бозорларидан маҳсулотлар импорти	Вилоят аҳоли жон бошига тўғри келадиган импорт
Инфратузилмавий - географик омилар гуруҳи		
8.	Ҳудудни асфальтланган йўлларнинг таъминлаш	Минтақанинг 1000 км ² майдони учун асфальтланган йўлларнинг узунлиги, км
9.	Вилоятни темир йўл билан таъминлаш	Минтақанинг 10000 км ² майдони учун умумий қўшниликдаги темир йўлларнинг узунлиги, км
10.	Иқлим зонасига мансуб	Минтақанинг иқлим зонасига қараб 1 дан 5 бўлган кўрсаткич бўйича балл. I иқлим зонасида жойлашиш учун 5 балл; 4 балл - II иқлим зонасида жойлашиш учун ва бошқалар.
11.	Минтақада транспорт коридорларининг мавжудлиги	Балли баҳолаш. Ҳудуднинг транспорт коридорларининг асосий йўналиши бўйича жойлашиши учун бири учун 1 балл; транспорт коридорларининг мавжудлигида - 0,5 балл.
Минтақада транспорт ишининг омилари гуруҳи		
12.	Темир йўл орқали ташиладиган юклар ҳажми	Умумий фойдаланишдаги темир йўл коридорларида ташиш учун қабул қилинган юкларнинг ҳажми, тонна
13.	Автомобил транспортларида ташиладиган юклар ҳажми	Вилоят ҳудудида ташиш учун қабул қилинган автомобиль юкларининг йиғиндиси
14.	Транспорт хизматлари ҳажми	Аҳоли жон бошига транспорт хизматлари ҳажми

Терминалларни лойиҳалашда эътиборга олинадиган муҳим омиллардан бири бу терминалнинг жойлашишини танлашдир.


Улкан иқтисодий салоҳиятга эга Андижон вилояти мамлакатимиз ҳаётида, жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда муҳим ўрин тутди.

Вилоят мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича энг йирик етказиб берувчиларидан бири бўлиб, амалга оширилаётган агродастурлар туфайли экспортга йўналтирилган мева-сабзавот етказиб берувчиси ҳисобланади.

Вилоятда озиқ-овқат саноати ривожланган бўлиб, хомашёдан юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Андижон вилоятида келгусида амалга ошириладиган ишларнинг устувор йўналишлари сифатида вилоятнинг ҳар бир туман ва шаҳрида кичик саноат зоналарини ташкил этиш, қайта ишлаш саноатида технологик саноат ишлаб чиқариш ва уларни зарур муҳандислик коммуникацияларига улаш, ер майдони ажратиш, бўш турган бино ва иншоотларни ташкил этиш ташаббуслари белгиланди.

Вилоят туманларида етиштирилаётган мева-сабзавотлар динамикасига кўра, Асака, Балиқчи, Жалақудуқ, Мархамат, Хўжаобод ва Шаҳрихон туманлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўрсаткичга эга.



2-расм. Андижон вилоят туманларида етиштирилаётган мева-сабзавотлар динамикаси²⁸

²⁸ Статистик маълумотлар асосида тайёрланди

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган ҳудудларнинг жойлашувини таҳлил қилгандан сўнг, ушбу фаолият соҳасининг "ўсиш нуқтаси" нинг шартли ҳудудини шакллантириш мумкин, бу эса минтақадаги тарқатиш марказининг энг яхши жойлашишини кўрсатади.

Аниқроқ жойлашувни аниқлаш учун қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари соҳасида экспорт фаолиятини амалга оширувчи корхоналарни тарқатиш терминали қилиб қайта ташкил этиш мақсадида текшириш зарур. Бунда, бозор шароитлари ва маҳсулотни сотиш йўналишларини ҳисобга олиш керак.

Андижон вилоятининг Хўжабод туманида "Дўстлик" чегара божхона пости мавжуд бўлиб, ундан халқаро Тошкент-Ош-Иркештом-Қашқар (Ўзбекистон-Қирғизистон-Хитой) автомобил йўли ўтган. Вилоятда автомобил транспортдан ташқари ривожланган темир йўл инфратузилмаси ҳам мавжуд бўлиб, бу мултимодал ташишларни амалга ошириш имконини беради.

Андижон вилоятида юк жўнатувчи ва қабул қилувчилар учун «Ахтачи» станциясида мултимодал транспорт-логистика маркази қурилди, бу эса республиканинг барча вилоятларидан темир йўл орқали Андижонга, кейин эса Хитойга юкларни олиб ўтиш имконини беради.


«Ўзбекистон – Қирғизистон – Хитой» янги темир йўлининг қурилишини фаоллаштириш натижасида мавжуд бўлган коридорлардаги масофани қарийб 1000 километрга қисқартириш имконини беради²⁹.

Булар эса ўз навбатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бирлаштириш ва қайта ишлаш бўйича тарқатиш марказларининг мавжудлиги омилларидан биридир.

Йиғиш ва тарқатиш терминалининг мавжудлиги етказиб берувчилардан кирувчи товарларни бирлаштириш ва эҳтиёжга қараб уларни мижозларга жўнатишни ташкил этиш имконини беради.

Йиғиш ва тарқатиш терминали ишлаб чиқаришга буюртма бериш ва етказиб берувчидан истеъмолчига ўртача статистик вақт ичида етказиб бериш имконини берадиган шундай ҳажмга эга бўлиши керак. Товарларнинг ҳаракатланиш вақти транспорт турига ва улар орасидаги масофага боғлиқ.

²⁹ <https://daryo.uz/k/2018/02/19/toshkent-andijon-osh-irkeshptom-koshgar-koridori-25-fevraldan-ishga-tushadi/>



3-расм. Тарқатиш терминалининг истиқболли имкониятлари

Логистика инфратузилмасини такомиллаштириш деганда маълум жуғрофий жойларда терминал объектлари мавжудлигининг оптимал нисбати ва бунинг натижасида ҳосил бўлган транспорт ҳажмининг етказиб берувчидан етказиб берувчигача бўлган бутун занжир бўйлаб ўтадиган умумий товар оқими (транспорт ва омборни қайта ишлаш) умумий харажатларига мувофиқ топиш тушунилади.

Ҳудудда логистика терминалини ташкил этиш маҳаллий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга: ўз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширишга; ташқи бозорларга чиқишни таъминлаш; кўшимча инвестицияларни жалб қилиш; ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш; логистика харажатларини оптималлаштириш; Ўзбекистон озиқ-овқат бозоридаги улушни ошириш; молиявий аҳволни яхшилаш; меҳнат унумдорлигини ошириш; бозорларни кенгайтириш имконини беради.

Бинобарин, мева-сабзавот маҳсулотларини логистика терминаллари маҳаллий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг ҳам, давлатнинг ҳам асосий муаммоларини ҳал этиш имконини беради ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари билан улгуржи ва чакана савдо

корхоналари ўртасидаги иқтисодий алоқаларни оқилона йўлга қўйиш орқали мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Герами В.Д. Управление транспортными системами. Транспортное обес-печение логистики / Герами В.Д. [Электронный ресурс]. Режим доступа: https://studme.org/1500041523351/logistika/upravlenie_transportnymi_sistema_mi_transportnoe_obespechenie_logistiki
2. Рахмангулов А.Н., Копылова О.А., Аутов Е.К. Выбор мест для логистических мощностей. Мир транспорта. 2012;(1):84-91.
3. Копылова О.А., Рахмангулов А.Н. Проблемы выбора места размещения логистических центров//Современные проблемы транспортного комплекса России: Сб. науч. трудов/Под ред. А.Н. Рахмангулова.- Магнитогорск, 2011
4. Вельможин А.В., Гудков В.А., Миротин Л.Б. Теория организация и управление автомобильными перевозками: логистический аспект формирования перевозочных процессов. Волгоград: РПК «Политехник», 2001. -179 с.
5. Samatov, G. A., and Giyasidinov A. Sh. "Increasing the export potential of fruit and vegetable products in Uzbekistan and simplifying the procedure for its transportation." International Engineering Journal For Research & Development 5.3 (2020).
6. Sh, Giyasidinov A., et al. "E-CMR-an impulse to innovative development of the transport industry. International Engineering Journal For Research & Development, 5 (4), 6-6." (2020).
7. Икромов Н. А., Гиясидинов А. Ш., Рузиматов Б. Р. У. Меры по снижению экологического воздействия автопарка //Universum: технические науки. – 2021. – №. 4-1 (85). – С. 44-47.
8. Sh G. A. et al. E-CMR-an impulse to innovative development of the transport industry. International Engineering Journal For Research & Development, 5 (4), 6-6. – 2020.
9. G'iyasidinov Abdumannob, & Samatov Gaffor. (2022). IMPROVING THE ACTIVITY OF TRANSPORT AND LOGISTIC CLUSTERS IN INCREASING

EXPORTS OF AGRICULTURAL PRODUCTS. JournalNX - A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal, 8(6), 64-67.

10. Giyosidinov A.Sh., & Muhammadaliev S.F. (2022). METHODOLOGY OF SELECTION OF EFFICIENT MOVING STRUCTURE FOR TRANSPORTATION OF FAST DESTRUCTIVE LOADS. JournalNX - A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal, 8(6), 68-72.

11. Шароҳидинович Ф. А. ЭФФЕКТИВНОСТЬ ТРАНСПОРТИРОВКИ И ГРУЗОПЕРЕРАБОТКИ ЭКСПОРТА-ИМПОРТА ПРОДУКТОВ ПИТАНИЯ //World of Science. – 2023. – Т. 6. – №. 4. – С. 594-599.